

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҶОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

З.Пардаева	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели	94
Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари	103
Х.Шарафиддинов	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси	106
Г.Муҳаммаджонова	
Ижод психологизмининг бадиий талқини	110
Я.Нишанов	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
А.Маҳмудов	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли	119

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати	124
С.Мўминов, А.Юлдашев	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
М.Зокиров, Ф.Исомиддинов	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида	134
Н.Умарова, О.Холматова	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида	139
Г.Розиқова, М.Қурбонова	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
Х.Сотвалдиева	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	147
Ш.Кахарова	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари	151
Р.Абдуллаева	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари	155
Г.Мамаджанова	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари	159

ПЕДАГОГИКА

Т.Эгамбердиева	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини	164
Х.Ибраимов, К.Тоджибаева	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
Н.Валиева	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
М.Расулов	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни	182
Ф.Каримова	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси	186

УДК: 8-1/-9+665.14/18

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛИРИКАСИДА ОЛОВ АНАЛОГЛАРИНИНГ БАДИИЙ ВАЗИФАСИ
ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ФУНКЦИЯ АНАЛОГОВ ОГНЯ В УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ ЛИРИКЕ
UZBEK FOLK LYRICS ANALOG FUNCTION OF THE ART FIRE

Каримова Феруза Мўминовна¹

¹Каримова Феруза Мўминовна

– Бухоро давлат университети, ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти (PhD).

Аннотация

Мақолада олов култи ва унинг рудиментлари, аналогларининг халқ кўшиқларида тутган ўрни, бадиий ва поэтик вазифаси, ўз ва кўчма маънолардаги ифодалари илмий-назарий таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье проводится научно-теоретический анализ культа огня и его рудиментов, прямой роли его аналогов в народных песнях, их художественной и поэтической функции, отражения в прямом и переносном смысле.

Annotation

This article deals with the scientific-theoretical analysis of the cult of fire and its rudiments, the role of its analogues in folk songs, their artistic and poetic function, expressions in their own and figurative senses.

Таянч сўз ва иборалар: оловсиз ўчоқ, ёниш, куйиш, кул, чироқ, туёқ, фарзанд, тутун, тараша, шам, ўт ёқиш, рамз, чирогим, кўчим, ташбеҳ, юрак, бағир, маросим.

Ключевые слова и выражения: незатопленная печь, горение, пепел, лампа, копыто, ребенок, дым, чурка, свеча, затопить, огонь, символ, свет мой, сердце, грудь, церемония.

Keywords and expressions: fireless furnace, burning, scorching, ash, lamp, hoof, child, smoke, shaving, candle, burning fire, symbol, lamp, migration, allusion, heart, liver, ritual, and etc.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди назардан ўтказилса, унда олов ва унинг кул, чўғ, тутун, гулхан, ўчоқ, косов, ўтин, тараша ва бошқа аналоглари кенг образлантирилганлиги кузатилади. Жаҳон халқлари тарихий тараққиётида инсоният цивилизациясининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиб келаётган “Авесто”да барча нарсанинг асосида олов ётади, деган тушунча бор. Гераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзлаштириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Ҳаво, сув, ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси ўтга айланади.[1,10]. Асрлар давомида кишилиқ жамиятида оловга бўлган эҳтиёж унинг умуминсоний қадриятга айланишига сабаб бўлди. Ҳатто оловдан шомонлик даволаш воситаси сифатида фойдаланди: “Маълум бир вазиятда пўрхон беморни доира устидан уч марта одим юришга мажбурлайди. Бу усул олов ёки машъала устидан касални сакратиб ўтказиш удумига ўхшаш бўлиб, оловдаги даволовчи куч бемор танасига кириб, ундаги зарар унсурларни йўқотади [2.52]. Халқимизнинг оловга бўлган эътиқодий қарашларининг синтези сифатида фольклорнинг паремик жанри бўлган топишмоқларда ҳам олов билан алоқадорларини учратамиз. Масалан, ўт-олов

ҳақида “Ялт-ялт этади, ямлаб кетади”, чўғ ҳақида “Товоқ тўла анор, ҳаддинг бўлса ол” учкун тўғрисида “Чанғароқдан учиб чиқади, қараса, кўзни кўр қилади”, тутун ва олов ҳақида “Қора хўкиз тоққа чиқди, қизил хўкиз уйда қолди”, чироқ ҳақида “Бир бош буғдой уй тўлдирар”, шам ҳақида “Милтиллайди кўзлари, мўлтиллайди ёшлари”, гугурт ҳақида “Қутича-ю қутича, ичи-ичи тўла миҳча”, кул ҳақида “Девор орқасида кўк така” сингари топишмоқлар яратилган [3,560].

Халқ кўшиқларида бу образлар воситасида турли тимсолий маънолар акс эттирилади. Олов култ бўлганлиги туфайли у доимо покиза ва янгиланиб туриши шарт бўлган. Сувга сийиш, ифлос нарсалар ташлаш тақиқланганлиги сабабли оловга нисбатан ҳам бундай ҳаракатлар қилиш гуноҳ ҳисобланган. Оловни янгилаб туриш учун тоза, қуруқ ёғочлардан фойдаланилган. Ана шу тарихий асосга кўра кўшиқдаги ҳозирги пайтда салбий тушуниладиган тараша ҳам покизалик рамзидир. Кўшиқларда олов гул каби гўзалликни ҳам ифодалаши мумкин:

Қип-қизил чўғдай бўлиб,
 Чиқди ёр куйдиргали.
 Менда тоқат қолмади,
 Ўзимни ўтга ургали.

Ўчоқ ва ундаги оловнинг оила ҳомийси эканлиги ақидаси бизнинг кунларимизгача етиб келган. Тарихчи олим К.Шониёзов 1961 йил Фарғона водийсида 70 ёшли мўсафиддан нега доим ўчоқда олов ёниб туришини сўраганида, чол: “Оловсиз ўчоқ, эгасиз уй. Ўчоқда ўт ёниб турса, оилада доим фаровонлик, яхшилик бўлади”, деган экан [4,205]. Халқ тилида ўчоқ оила рамзи бўлгани учун кўчма маънода фарзандни англатиши ҳам учраб туради. Олов (чирок)нинг қиз, туёқнинг (от култи таъсири туфайли) ўғил фарзандни англатган кўчимларга айлангани қуйидаги кўшиқда равшан кўринади:

Ўйма бахмал чироғим,

Ўғилдан йўқ туёғим.

Қизиллар бахмал чироғим,

Қиздан ҳам йўқдир чироғим.

Айрим жойларда илгари совчилар қиз сўрашга борганида: “Сизда бир ўчоқ бор экан”, деб айтишар экан. Бу, оиладаги ўчоқ кўпроқ аёлларга тегишли бўлган ҳаётий далилдан келиб чиққан. Оловнинг фарзанд маъносини англатиши кейинчалик унинг атрибути бўлган чирокқа кўчирилган: “Ўғил ёққан чирокни, қиз ҳам ёқар”, мақолининг маъноси қиз ҳам оила куради, фарзанд кўради, номимизни ўчирмайди демакдир. Қадимги инсонлар олов(офтоб)нинг ерга олиб туширилган бир бўлаги деб қарашган. Бу ҳақда Прометей номи билан боғлиқ афсоналарни ёдга олиш кифоя.

Поэзд келади ҳуркиб,

Фонар ёғини пуркиб.

Гитлерчи йигит қочди,

Менинг ёримдан кўрқиб.

Кўшиқда жангчи ёрнинг шижоати, мардона кураши поезднинг ҳайбатига таққосланиб, воқелик ҳаққоний, бадиий ифодаланмоқда. Бунда поезднинг жонлантирилиб келтирилиши бадиийликни оширишга ёрдам бермоқда. Поездни жонлантириб келтиришнинг асоси эса қадимда барча нарсани инсонлардек ҳаракатда, деб тасаввур қилишга бориб тақалади. Поезднинг ёғини пуркаши олов билан боғлиқ эътиқодларнинг изларидир. Яъни ҳаёт олов билан қизгин ва жонли бўлганидек, поезд фонар ёғи ёқилғиси билан ҳаракатдадир. Кўшиқда фонар ёғидан ҳосил бўлган олов поездни ҳаракатга келтиргани каби жангчи ёрнинг юрагида ёнган ватанпарварлик, халқпарварлик руҳининг олови ҳам унинг шижоатини, душманга нисбатан нафратини янада ошириб, гитлерчиларга қарши ҳаракатини жонлантиради. Тўртликда гитлерчи йигитнинг жангчи ёрдан кўрқиб қочиши киноявий ифода бўлиши билан бирга, Жаҳон

уруши (1941-1945) даврида юртдошларимизнинг душманга қарши бетакрор, мардона, аёвсиз ҳолда олиб борган курашлари ҳақида ҳам тасаввур уйғотади.

“Ўзганча” деб номланган халқ кўшиғида ошиқлик дарди ва азобланиш ҳолатини ифода этиш учун олов деталидан қуйидагича фойдаланилган:

Қизил гул очилиб қилди нишона,

Сенинг ишқинг мени қилди девона.

Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди,

Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди.

Кўшиқда ишқ дардидан қалби ўртанган, азобланган ошиқ ўз ҳолатини “оловда куймоқ” ҳолатига ўхшатмоқда. Тана табиий оловда куйса, қанчалик оғриқ, азоб бериши маълум. Бунда тананинг куйгани кўзга ташланиб туради. Бироқ тана ишқ-муҳаббат оташида куйса, ўртанса, бу куйги кўзга кўринмайди. Бундан қалб, кўнгил озор тортади. Баъзи халқ кўшиқларида “олов” сўзи қўлланмаса-да, ёнмоқ, куймоқ сўзлари унга ишора сифатида қўлланади. Қуйидаги кўшиқда айнан шундай ҳолат кузатилади:

Чўлдаги битган гиёҳнинг,

Соёси бўлгаймикан?

Ёр учун ёнган юракнинг,

Чораси бўлгаймикан?

Кўшиқда “олов” сўзи қўлланмаган бўлса-да, “ёнган юрак” бирикмаси остида унга ишорани сезиш мумкин. Чўлда ўсган гиёҳнинг соёси бўлмагани каби ишқ туфайли ёнаётган юракнинг ҳам давоси йўқ. Муҳаббатдан бемор бўлган юракнинг чорасини топиш қийин эканлиги кўшиқнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ёниб ўлмагай эрдим,

Куйиб кул бўлгай эрдим.

Кўнгил бермасам эрдим,

Бунчалик бўлмагай эрдим.

Кўшиқда муҳаббатнинг куч-қудрати тасвирланган. Бир томондан, ошиқ ҳолатини мифологик қарашлар билан боғлаб изоҳлаш мумкин. Ошиқ ишқ бошига тушмас дан олдинги ҳолатини афсонавий Самандар қушининг хусусиятларига ўхшатади. Афсонага кўра, бу қуш ўтда қайта туғиладиган жонзотдир. Оловда, кулда туғиладиган қушлар ҳақидаги афсоналар куйканак номли қуш номи билан ҳам боғланади. У ҳақда халқ кўшиқларида шундай куйланади:

Куйканак қуш боласин,

Кулга қўяр уясин.

Кулни шамол учирса,

Куйиниб йиғлар онаси.

Майда-ё, майда.

Қўшиқда боласини кулга қўядиган куйканак куш ҳақида маълумот берилмоқда.

Оловда ёнмайдиган ошиқ ишқ оташи юрагига киргандан сўнг кулга айланади. Қуйидаги қўшиқда шу ҳолатга ишора бор:

Мен бу ерга келмас эрдим,
Ёр келтирди мани.

Ўтга тушсам куймас эрдим,
Ёр куйдирди мани.

Кўпгина қўшиқларда “олов” сўзини янада жонлантириш учун турли ўхшатишлардан фойдаланилади:

Юрагимнинг дардлари,
Қизил гулдай қатма-қат.

Юраккинамнинг ўтига,
Дўзах ўти мос фақат.

Қўшиқда юракнинг ўтига дўзах ўтининг мос қилиб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Дўзахга тушган гуноҳкорлар гуноҳларидан фориг бўлиш учун ўтда куйдирилиб, покланади. Ишқ ўти ҳам ошиқни куйдирибгина қолмай, уни поклашга хизмат қилади. Қўшиқдан “ишқ – бу, покланиш” деган хулосани чиқариш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, олов култи таъсирининг бадий ифодаларини фольклорнинг барча жанрий намуналарида кўриш мумкин. Шу жумладан, ўзининг шаклан

гўзал ва мазмунан теранлиги, гўзал ташбеҳларга бойлиги ва юксак бадиияти, жарангдор ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб турувчи халқ қўшиқларида ҳам. Қўшиқларда халқ ҳаёти бутун қирралари билан, халқ кайфияти барча кўринишлари билан намоён бўлади. Қўшиқларда халқ тафаккури, дунёқараши, урф-одатлари, ҳатто энг қадимги даврларга шаклан бўлишига қарамай, ҳозиргача сақланиб келаётган эътиқодий қарашлар кўпинча рамзий образлар орқали намоён бўлади. Жумладан, шундай рамзий образлардан бири, олов култига оид эътиқодий тушунчалар билан боғлиқдир. Зеро, инсон ўз нонини, овқатини оловда пишириб ейди. Демак, инсон учун олов зарур. Айниқса, қишда оловсиз яшаб бўлмайди. Шу каби ҳаётий объектив асослар қадимдан аждодларимиз оловни ўзига яқин кўмақдош, ҳомий деб англашига, уни улуғлашига олиб келган. Натижада олов кули билан алоқадор кўпгина анъаналар вужудга келган. Инсониятнинг жуда кўп анъаналари, маросим ва байрамлари, ҳаётий тушунчалари бевосита олов билан боғланади. Бу орқали мифологик тафаккур билан поэтик тафаккур уйғунлашиб кетганини кузатиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Авесто. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. –Т.: 2015.
2. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. Урганч - 2018.
3. Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. –Т.: “Алоқачи” 2008.
4. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Т.: Фан. 2010.
5. Навоий А. Тарихи мулки аҷам. МАТ. 20 жилдлик. XVI жилд. – Т.: Фан, 2000.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)